


9 сентябр

Сотувда эркин нархда Nº 176 (2473)

<u> ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

# ИИГИРМА БИРИНЧИ АСР ТИНЧЛИК АСРИ БЎЛСИН

7 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "БМТнинг Мингйиллик саммити" да иштирок этиш учун Нью-Йорк шахрига жунаб кетди.



Нью-Йоркда бошланган "БМТнинг Мингйиллик саммити" ушбу нуфузли ташкилотнинг 20-аср сўнггидаги энг йирик анжуманидир. Унда 150 дан ортик мамлакатнинг давлат ва хукумат бошликлари иштирок этмокда. Янги мингйиллик арафасида дунёвий муаммоларни мухокама этиш учун ўзига хос ва жуда қулай шароит юзага келди. "Мингйиллик саммити" да дунёнинг деярли барча мамлакати рахбарлари иштирок этаётгани эса ушбу шароитдан фойдаланиш учун ноёб имконият яратмокда. Ўзбекистон Президенти хам БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг мазкур анжуманда қатнашиш тўгрисида йўллаган таклифини қабул килди.

Саммитда кўриладиган масалалар кўлами жуда кенг. Унда қарийб икки юзга якин масала кўриб чикилади. Жумладан, мазкур анжуманда 20-асрда килинган ишлар сархисоб килинади, янги юзйилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилиши мўлжалланаётган тадбирларнинг устувор йўналишлари белгиланади.

Айни пайтда сайёрамизда олти миллиард одам истикомат килмокда. Ахолининг купайиши, давлатлар тараккиётининг турлича экани кўплаб муаммоларни юзага келтираётир. Ривожланган ва колок мамлакатлар ўртасидаги фаркнинг катталиги улардаги ахолининг ящаш тарзи хам турлича бўлишига олиб келмокда. Янги асрда ушбу фаркларни камайтириш ва дунёда кашшокликни тугатиш масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Саммитда бу борада хал килиниши лозим булган ишлар хусусида суз

Дунё иктисодиётида, сиёсатида катта ўрин тутувчи давлатлар сони ортмокда. Ушбу давлатларнинг обрўси ва салохияти уларнинг халқаро хамжамият хаётига фаол аралашишини талаб этяпти. Бу эса БМТда, жумладан, унинг бош органи бўлмиш Хавфсизлик Кенгашида таркибий ўзгаришлар қилиш эхтиёжини туғдираётир.

Каримов Нью-Йоркка жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервъюсида мазкур масалага алохида тўхталди БМТнинг таркибий ўзгаришлари масаласида бизда аник таклифлар бор,деди давлатимиз рахбари. Авваламбор, Хавфсизлик

Кенгашининг доимий аъзолари - АҚШ, Россия, Хитой, Буюк Британия ва Франция каторига Германия хамда Япония хам қабул қилинса, мақсадга мувофик бўлади. Зеро, БМТ янги асрда дунёда тутган мавкеини янада юксалтириш, ўз саъй-харакатларининг самарасини оширишни кўзлаган экан, Хавфсизлик Кенгаши сафида иктисодий жихатдан юксак салохиятга эга мамлакатлар сонини кўпайтириш яхши бўларди. Мазкур ўзгариш жахоншумул муаммоларни янада самаралирок хал этишга кўмак беради. Кенгашнинг доимий бўлмаган аъзолари сонини хам кўпайтириш лозим. Бу эса тарақ-

Бугун дунёда террор ва экстремизм хавфи ортиб бормокда. Шу сабабли "Мингйиллик саммити"да хавфсизликка асосий эътибор берилиши табиийдир. Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48- ва 50-сессияларида сўзлаган нуткларида бу муаммога барчанинг диккатини қаратган эди. Мазкур ил-

кий топаётган давлатларнинг

ўз дардини баланд овозда

айтишига имкон яратади.

латлар нафакат Ўзбекистон ё Марказий Осиё минтакаси, балки бутун лунёга тахдид солаётир. Бу хавфнинг манбалари хозир хеч кимга сир эмас. Айнан Афгонистондаги бекарорлик инсоният бошига шундай катта ташвишлар тушишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Бу давлатда вазият барқарорлашиши билан нафакат урушжанжалу хунрезликлар, балки наркобизнес ва куролярог контрабандасига хам чек қўйишга йўл очилади.

Ислом Каримов ушбу муаммога тўхталар экан, дунёдаги етакчи давлатлар Афгонистондаги урушни тўхтатиш борасида сусткашлик қилаётганини таъкидлади.

- Европада ёки бошка бирор китьада можаро пайдо бўлса, катта давлатлар бахамжихат бўлиб дархол уни хал килишга киришади,деди Президент. - Бунинг учун миллиард-миллиардлаб маблаг сарфлайди. Бирок Афгонистонда 20 йилдан ошик вактдан буён давом этаётган урушни бартараф қилишга келганда уларнинг бу фаоллиги сезилмаяпти. Мазкур можаро бошка давлатларга, жумладан, Европа мамлакатларига хам таъсир қилиши, кўчиши мумкинлигини улар эътиборга олма-

Куни-кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Террорчи гурухлар таркибига адашиб кириб қолған Ўзбекистон фукароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўгрисида"ги Фармони эълон қилинди. Ушбу хужжатда Ўзбекистонга қушни давлатлар худудидаги террорчи гурухлар таркибида бўлган хамюртларимизнинг тинч ва осойишта хаётга қайтишига кўмак берадиган инсонпарварлик туйғулари мужассамдир. Журналистларнинг илтимосига кўра, Ислом Каримов мазкур Фармонга ўз муносабатини билдирди.

Агар инсон бир юртда

тугилиб вояга етгач, хорижга кетса ва сўнг қўлида қурол билан ватанига талон-тарож қилиш, ўт қўйиш учун қайтса, ота-онаси хамда якинларига зулм ўтказишга уринса, бу жуда ғайритабиий ҳолдир, — деди давлатимиз рах-— Бундай одамлар, одатда қандайдир салбий унсурларнинг, террорчилик ва экстремистик марказларнинг таъсирига тушиб колган булали. Баъзи кишилар, асосан, ёшлар бировнинг таъсирига осон тушади. Хозир айрим кушни давлатларда ўрнашиб олган қора кучлар ватани, ота-онаси, колаверса, ўзи учун хайрли ишлар

килиш умидида юрган ёшлар онгини асоси ёлгондан иборат бўлган экстремизм, вахобийлик ва бошка шу каби турли-туман гоялар билан захарлашга уринмокда. Бундай қора кучлар ўзларининг ёвуз ниятларини муқаддас динимиз билан никоблашга уринаётган бўлса-да, аслида унинг замирида мамлакатимиздаги конституциявий тузумни агдариб, юртимизни ўрта асрларга қайтариш, қандайдир амирлигу халифалик тузиш ётибди. Янада ёмонроги - наркотик ва куролярог контрабандаси учун юртимиз оркали ўзларига йўл очиш. Мамлакатимизни, бутун Марказий Осиёни иккинчи Афгонистонга айлантириш. Буни барча билиб қуйиши керак.

Менинг номи зикр этилган Фармонга имзо чекишлан максадим, айрим хорижий мамлакатлардаги, хусусан, Афгонистон ва Тожикистондаги террорчи гурухлар сафига билиб-билмай, адашиб кириб қолган ватандош-

дир. Уларнинг бировлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолишини ва аълал-оқибатда ит ўлими топишини истамайман. Аксинча, бундай алашган йигитлар ота-онаси, қариндош-уруғи ва яқинлари бағрига қайтсин. Бугун Ўзбекистон халқи қандай яшаётган бўлса, шундай ҳаёт кечирсин. Бизнинг куп миллатли халкимиз янада фаровонрок яшашни. заминимизда тинчлик ва осойишталик бўлишини хохлайди. Барчамизнинг ниятимиз эса эртанги хаётимизни бугунгидан кўра фаровонрок, фарзандларимизнинг келажаги янада порлокрок, нуронийларимизнинг тинч ва осойишта умри тағин ҳам мазмунлирок бўлишини таъминлашдир

ларимизга ўз айбига икрор

бўлиб, юртига қайтиши учун

яна бир бор имкон бериш-

Анвар КАРИМОВ, УзА мухбири.

Нью-Йорк. 8 сентябр. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар килади). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг асримиздаги энг сўнгги, "Мингйиллик саммити" деб ном олган сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка йўл олган Президент Ислом Каримов Амстердам шахрида тўхтаб ўтди. Шахар аэропортида давлатимиз рахбарини Нидерландия кироллиги хонадони хамда хукумати вакиллари қарши олди. Бўлиб ўтган қисқача сухбат чогида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожи билан боглик масалалар

юзасидан фикр алмашилди. Шу куни Нью-Йоркда Президент Ислом Каримов АКШ Президенти Билл Клинтон томонидан "Мингйиллик саммити" иштирокчилари шарафига уюштирилган расмий қабул

Айни пайтда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг жахоннинг бир юз элликдан ортик давлат ва хукумат рахбари иштирок этаётган сессияси минбаридан нутк сўзлаши кутилмокда.

Ташриф давомида Президентимиз АКШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Исроил Бош вазири Эхуд Барак билан хам учра-

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни Нью-Йорк аэропортида кутиб олиш пайти.

Б. МАМАЖОНОВ олган сурат. «Жахон» АА.

# **ЎЗБЕКИСТОН** CECCKA PANCHHHI MYOBNHN 3TN5

Маълумки, Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Мингйиллик саммити» ўз ишини бошлади. Бундан икки йил муқаддам БМТнинг «Мингйиллик Ассамблеяси» томонидан Бош Ассамблеянинг эллик бешинчи сессиясини эълон килиш бўйича қарор қабул қилинган эди. Сиёсатшунослар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг берган кўплаб бахоларига кўра, ушбу вокеа кириб келаёттан XXI асрда мамлакатлар ва халклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожининг стратегиясини аниклашга кўп жихатдан имконият туғдирувчи анжуман сифатида тарихга кириши керак.

БМТ ташкил қилинганидан буён ўтган эллик беш йил мобайнида илк бор мазкур нуфузли халкаро ташкилотнинг Бош қароргохига 189 иштирокчи-мамлакатлардан деярли барча давлат ва хукумат рахбарлари йигилдилар. Саммитда Ватикан, Швейцария ва Фаластин вакиллари кузатувчи сифатида ишлирок этмокдалар.

Ривожланаёттан глобализация жараёнлари мамлакатлар ва халкларнинг янала кўпрок хамкорлик қилишлари заруратини талаб этади. Ана шундай шароитда давлат рахбарлари Саммитда харбий карама-каршиликлар, жиноятчилик, наркотик моддаларнинг ноконуний савдоси, терроризм, атроф-мухитнинг ифлосланици, эпидемия ва бошка инсоният хаётини чигаллаштирувчи муаммоларни хал кила туриб, умумий

фикрга келишлари даркор. ЫМТ БОШ КОТИОИ КОФИ АН нан шуни тавкидлайдики, «Янги мингйиллик ва «Мингйиллик саммити» жахон халқларига илк бор бир-бирлари билан жуда боглик бўлган, айни пайтда умумий такдирлари устида ўйлашлари учун ўзига хос имконият беради. Улар ўз рахбарларининг истикболдаги вазифаларини белгилаб олишларига ва тегишли чоралар кабул килишларига ишонадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агар унинг аъзолари биргаликда юкори даражадаги масъулият хиссига берилиб ишласалар, мазкур масалаларни ечищда уларга кумаклаша олади».

Икки аср ўртасида бўлиб ўтаётган мазкур сессия иштирокчилари Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Мингйиллик Ассамблеяси» Раисининг муовини этиб сайлади. Бу эса бизнинг мамлакатимизга катта ишонч билдирилганининг белгисидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Мингйиллик саммити» иши Саммит раисдошлари Финляндия Президенти Г. Халонен, Намибия Президенти С. Нуйома, шунингдек, БМТ Бош котиби К. Аннан чикишлари билан очилди.

Б. МАМАЖОНОВ «Жахон» AA. Нью-Йорк.

# САМИМИЙ КУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Давлатингиз Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси хукумати ва халкига Бахрайн Давлати хукумати ва халки номидан самимий табрикларимизни йўллаш шарафига муяссар эканлигимдан

Сиз, Жаноби Олийларига бахт ва сихат-саломатлик, дўст ўзбек халқига эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилакларимизни қабул қилишингизни сўрайман.

Хамад бин Исо Ал-ХАЛИФА, Бахрайн Давлати Амири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз Мустакиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшохлиги халқи, хукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табрик йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мустахкам соглик, дўст Ўзбекистон халкига эса хайр-баракот ва фаровонлик тилайман. Биродарингиз,

Икки мукаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшохи Фахд бин Абдулазиз Ас-САУД.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Узбекистон Республикасининг Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сизга, Ўзбекистон хукумати ва халқига Гана халқи, хукумати ва шахсан ўз номимдан табрик йўллаш менга катта мамнуният

Умид қиламанки, яқин келажақда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва хамкорлик алокалари янада мустахкамланади.

Жаноби Олийлари, юксак эхтиромимни қабул қил-

Капитан Жерри Жон РОЛИНГС, Гана Республикаси Президенти.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ** ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Мамлакатингиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан Жазоир халқи ва хукумати номидан хамда шахсан ўз номимдан Сизни қизғин табриклаш, шахсан ўзингизга соғлиқ ва бахт, дуст ўзбек халкига фаровонлик ва равнак топишдек энг яхши истакларимни йўллаш менга қувонч бахш

Ушбу бахтли айёмда Сизга мамлакатларимиз ва халкларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва хамкорлик алоқаларидан мамнунлигимни изхор этишни хамда бу алокаларни ривожлантириш ва янада мустахкамлаш йўлида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда янада кўпрок мехнат қилишга тўлик тайёр эканлигимни яна бир бор таъкидлашни истайман.

Президент Жаноби Олийлари, самимий тилакларимни яна бир бор изхор этиб, Сизга бўлган юксак эхтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Узбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан ўз номимдан, Тунис хукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табрик ва самимий истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Сизга мустахкам соглик ва бахт-саодат. биродар ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ушбу саодатли фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги биродарлик ва хамкорлик алоқалари халқларимизнинг манфаатлари йўлида хизмат қилишига умид билдираман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ, Тунис Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

# ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИДА УЧРАШУВ

бўлиб турган Полша Бош вазири ўринбосари, иктисодиёт вазири Я.Штайнхофф бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Р. Азимов билан учращди.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил январ ойида Полшага буюрган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги иктисодий, сиёсий ва бошка сохалардаги алокаларнинг ривожига катта туртки бўлди. Айни сидаги ўзаро хамкорлик кулами тобора кенгайиб бормокда.

Учрашувда мазкур делегация таркибида Полшанинг ишбилармон доиралари вакиллари хам ташриф буюргани амалий ишлар ривожига сезиларли хисса қушиши таъкидланди. Мулокот чогида мамлакатларимиз **У**ртасидаги мавжуд савдо иктисодий алокаларнинг бугунги ахволи, истикболдаги режалар билан боглик масалалар мухокама қилинди. (¥3A).

Шу йилнинг 6 сентябр куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Террорчи гурухлар таркибига адашиб кириб қолған Узбекистон фукароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўгрисида» Фармон эълон қилди. Ушбу хужжат ўзининг юксак инсонпарварлик мазмуни билан айни кунларда нихоятда ахамиятлидир. Фармон Ўзбекистонга қўшни бўлган

давлатлар худудидаги террорчи гурухлар таркибига кириб колган, лекин огир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси багрига кайтиб, тинч хаёт кечиришни ният килган шахсларга яна бир бор имконият беради, уларнинг бехуда курбон булиб кетишининг олдини олади. Хуллас, боши гангиб, террорчиларга кушилиб колган, аммо Ватанига, халқига қарши оғир гунох иш килмаган, биз умид килсак

буладиган шахсларга нисбатан Президент, Ватан, халк яна бир марта мурувват килмокда, уларнинг адашганлигини инобатга олган холда кечириб, боши берк кучадан чикиб хаётда тугри йўлни топиб олишига яна бир бор шароит яратилмокда.

Нега яна бир марта? ўтган йилнинг 16 феврал куни юз берган нохуш вокеаларнинг аччик окибатлари хали халкимизнинг ёдида турибди. Бир гурух террорчилар республикамиз пойтахтининг айрим нукталарида портлашлар

уюштириб, вужудга келтирган вайронгарчилик ва ўнлаб ватандошларимиз ўша куни уларнинг дастидан хаётдан кўз юмганлиги асло эсдан чикмаса керак. Шунингдек, бидъатни, жахолатни, фанатизмни ўзига акида килиб олган экстремистлар хали

# Фармонни ўкиб...

хаётий тажрибаси йўк, фикри ғўр айрим ёшларнинг онгини хам захарлаб, ўзларига

шерик қилишга уринган эди-

лар. 16 феврал вокеалари,

халкимизнинг кайнаб-тошган

кахру-газаби таъсирида ана

шундай ёшлар қаттиқ адаш-

ганларини англаган, чуқур

изтиробга тушган, аммо

кўнгил таассуфларини вахи-

ма огушида ичига ютиб, эл

нафратидан қўркиб яшамок-

Президентимиз бу масалада

махсус Фармон эълон қилиб,

адашган ёшларнинг хукук-

Худди шундай күнларда

тартибот органларига келиб, тавба-тазарру қилишларига йўл очди. Мамлакатимиз рах-

барининг багри кенглиги

ўнлаб, юзлаб гўр ёшларнинг

соглом хаёт йўлига қайтиши-

ним билмаяпти. Бузук ният-

ли кимсалар Ватанимиз ичи-

да ўзларининг галамисликла-

ри учун кулай шароит кол-

маганини сезиб, ватангадо-

ликка юз тутди. Айрим хо-

рижий давлатларга кочиб бо-

риб, халкаро террорчилик

марказлари багридан ўзла-

рига панох топди. Уларнинг

Аммо ғаразли кучлар ти-

га имкон берди.

BANDRICANICA

куткуси ва берган садакаларига учиб, мамлакатимиз худудига суқилиб кириб, бевориликлар қилмоқдалар. Мустакиллик туфайли кайтадан тикланаётган Буюк Ипак йўлини, ўша қабих маркази-

сан, қарокчилик, безорилик

ва наркобизнеснинг транзит

нукталарига айлантиришга

интилмокдалар. Бундай куч-

лар Узбекистонга қўшни

бўлган айрим давлатларда

ин курган. Афсуски, улар оқ-

қорани танимаган, иродаси

суст баъзи ёшларни ўз таъ-

сирига олишга, улардан тер-

рорчи кучлар тайёрлашга

фожиалидир. Юртимизга су-

Бу йўлнинг окибати эса

уринишмокда.

қилиб кираётган террорчилар Ватанимиз посбонларининг қақшатқич зарбаларига учраб, ер тишламокда, мурдалари овлок дараларда, ўнгирларда, чакалакзорларда, кафанга зор бўлиб қолиб

кетяпти. Ўзбекистон ўз худу-

дига кирган бундай манфур

кимсаларни хеч качон аяб

ўтирмайди. Хар хил сабаб-

ларга кўра адашиб, уларнинг

домига тушиб қолган ёшлар

хам буни қанча эрта тушун-

батдаги Фармони мана шун-

дай мураккаб вазиятга тушиб

Президентимизнинг нав-

са, ўзларига шунча яхши.

риб, бегона худудлардаги террорчи гурухлар гирдобида изтиробда юрган булса ва, табиийки, хали огир жиноятларга бормаган булса, ушбу Фармон унга куёшли йўл кўрсатади, у кечирилади, жавобгарликка тортилмайди ва Узбекистоннинг бошқа фукароларидай эминэркин, дахлсиз, тинч хаёт ва ота-она багрида яшайди, унинг тўгри ўсиб камол топишига имконият берилади. Бу гоятда улуг ва мурувватли кадамдир. Уйлаймиз ва умид киламизки, Президентимизнинг бу олийжаноблиги адашганларга нажот муждасидай етиб боради, азоб-

қолиб адашган, лекин ҳали ўзларида куч ва акл-идрок огир жиноят йўлига кириб гопадилар. Инсон хаёти - олий кетмаган ёшларга нисбатан халоскорлик имконидир. неъмат. Биз шунинг учун хам

ланаётган қалбига таскин бе-

ради, улар хатарли ўлим

сўкмокларидан хаётнинг му-

наввар йўлига чикиши учун

Йўлида учраган дайди шаинсонмизки, бутун ички молга қараб эгилаверадиган, салохиятимиз, акл-идрокихали нав-нихол, ўсмир, ёш миз, бегубор ният ва инйигитча адашиш кучасига китилишларимиз билан уни, чиндан хам, тирикликнинг олий неъматига айлантира оламиз. Лекин инсондаги жахолат, бадбинлик, маьнавий кўрлик умрни хаёт огусига хам айлантириши хеч гап эмас. Адашган кимсалар бу хакикатни ёдда тутишлари лозим. Шундай килиб, Прези-

дентимизнинг Фармони, шак-шубхасиз хаётбахш кучга эга. Чалғиган ёшлар Ватан, ота-она багрига кайтади, уларнинг шувут юзи эл олдида ёришади ва Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлиги уларни Узбекистоннинг хакикий фукароси деган табаррук номга қайтадан эга қилади. Адашганлар бу имкониятни кулдан бой бермасликлари керак.

м. сафаров.

# САМИМИЙ КУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИ** ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари Узбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Австралия хукумати, халки ва шахсан ўз номимдан Сизга, Узбекистон хукумати ва халкига кутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар келгусида хам тобора равнак топиб, мустахкамланиб боришига ишончим комил

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак эхтиромимни лутфан қабул қилгайсиз. Сэр Уильям ДИН

Австралия Генерал-губернатори.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИ** ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

1 сентябр — Миллий байрам кунингиз муносабати билан Сиз. Жаноби Олийларига самимий қутловлар йўллаш мен учун катта шарафдир.

Халкларимизни бирлаштириб турган хамкорлик ва хамжихатлик бутун инсоният учун фаровонликни излаш йўлидаги муштарак максадлар ва дўстлик билан мустахкамлан-

Мексика халқи ва хукумати номидан Узбекистон Республикаси халқи ва хукуматига кутловлар йўллар эканман, Сиз Жаноби Олийларига булган гоят юксак эхтиромимни яна бир бор изхор киламан.

Эрнесто Зедильо Понсе де-ЛЕОН, Мексика Қушма Штатлари Президенти.

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ** ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Бразилия Федератив Республикаси хукумати ва халки номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллаш шарафига муяссарман

Бағоят юксак эхтиром ила, Фернандо, Энрике КАРДОЗО, Бразилия Федератив Республикаси Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИ** ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Таиланд шахри ва шахсан ўз номимдан Сизга сидкидилдан кутловларимни хамда шахсан ўзингизга омонлик ва бахт-саодат, шунингдек халкингизга муттасил фаровонлик ва равнак тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изхор эта-

> Пумипон АДУЛЬЯДЕТ, Таиланд Қироли.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ** ОЛИЙЛАРИГА

Мустакиллик куни байрам килиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Узбекистон Республикаси халкига бахтли истикболни тилаб билдирган энг эзгу истак-

Люксембург Буюк Герцоги.

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ** ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари! Миллий байрам - Узбекистон Республикаси Мустакиллик куни муносабати билан куп миллатли Бошкирдистон номидан Сизни ва Сиз рахбарлик килаётган Ўзбекистон Республикаси халкини кизгин ва сидкидилдан муборакбод этишга ижозат бер-

Халкларимизни хамиша бир-бири билан боглаб турган дўстона яхши қўшничилик муносабатлари ўзаро манфаатли иктисодий, маданий алокаларимизнинг ишончли негизи, хаётнинг барча сохаларида хамкорликни мустахкамлаш ва чукурлаштиришнинг гаровидир.

Мана шу умумхалқ байрами кунларида Сизга ва Сиз оркали барча ўзбекистонликларга мусаффо осмон, бахт-саодат ва фаровонлик тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз. Эхтиром ила,

Муртазо РАХИМОВ, Бошқирдистон Республикаси Президенти.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ** ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Мухтарам Ислом Абдуганиевич** Узбекистон Республикасининг Мустақиллик кунида Сизга ва бутун ўзбек халқига гоят самимий кутловлар хамда эзгулик, муваффакиятлар ва омонлик тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Янги ташкил топган давлатнинг тараққиёт йўли белгилаб олинганини бугунги кунда комил ишонч билан айтиш мумкин. Узбек халки миллий маданиятни ривожлантириш хукукини кўлга киритди, халк урфодатлари ва анъаналари кайта тикланмокда, янги иктисодий ва сиёсий йўналишлар пайдо бўлмокда.

Бирок шуни унутмаслик керакки, давлатларнинг ўз мустакиллигини таъминлашга интилиши тарихан таркиб топган биргаликда ривожланиш заруратини бекор кила

Ишончим комилки, Хамдўстликка аъзо давлатларнинг миллий кадриятларини хурмат қилиш, амалий мулоқотни ривожлантириб бориш билан бизни бирлаштириб турган сиёсий, иктисодий ва маданий майдон — Мустакил давлатлар Хамдўстлигининг фаровонлиги ва барқарорлигини сақлаб қоламиз:

Дмитрий АЯЦКОВ, Саратов вилояти Губернатори.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** ПРЕЗИДЕНТИ, Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИКТИСОДИЕТ АКАДЕМИЯСИ ФАХРИЙ ФАН ДОКТОРИ **ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ**

ОЛИЙЛАРИГА Мухтарам Ислом Абдуганиевич! Узбекистон Мустакиллигининг 9 йиллиги. Узбекистон Республикасининг такдиридаги энг ёркин ва шонли сана, ажойиб байрам — Мустакиллик куни муносабати билан Сизни ва бутун ўзбек халкини Г.В.Плеханов номли Россия Иктисодиёт академиясининг Илмий кенгаши хамда Плеханов Ака-

демиясининг бутун жамоаси номидан му-

боракбод этамиз. Г.В.Плеханов номли Россия Иктисодиёт академиясининг жамоаси Узбекистонни. республика иктисодиётини ривожлантиришдаги муваффакиятларни, таълим тизимидаги ўзгартиришларни катта эътибор ва хайрихохлик билан кузатиб бормокда. Узбек халқи ўз Миллий байрамини иктисодий ва ижтимоий сохаларда янги-янги муваффакиятлар билан кутиб олаётганлиги кувонарли холдир. Биз Марказий Осиёда хам, дунёда хам Узбекистоннинг роли ортиб бораётган-

лигини кайд этамиз. Плеханов Академияси Сиз Академиямизнинг Фахрий фан доктори эканлигингиз билан астойдил фахрланади ва Сизни тўла асос билан жамоамизнинг хакикий аъзоси деб хисоблайди.

Яна бир бор Сизга мустахкам соглик, мехнат фаолиятингизда муваффакиятлар. бахт-саодат ва. албатта, кариндошларингиз ва ёр-биродарларингизга хамда бутун ўзбек халкига мустахкам соглик тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз. Самимий эхтиром ила,

> Виталий ВИДЯПИН, Г.В.Плеханов номли Россия Иктисодиёт академиясининг Президенти, академик.

Якинда анчадан бери кўришмаган кўшни махалладаги дўстим билан учрашиб қолдим. Хол-ахвол сўрашдик, бироз гурунглашдик. Гап айланиб ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган баъзи ёшларнинг зарарли окимлар таъсирига тушиб колаёттанлигига бориб такалди.

 Тўгрисини айтсам, асосий айб ўзимизда ота-оналарда, - деди у бироз тутакиб. — Ёшларнинг фахми етмабди. дейлик, улар билан бирга яшаб, бирга нафас олаётган ота-она қаёққа қараяпти, хеч нарсани сезмаслиги мумкин эмас, биз бехабар қолибмиз,

деганларига, шахсан мен, ишонмайман, сира ишонмайман. Ахир бошқа йўлга кирган инсоннинг юриш-туриши, гап-сўзларида ўзгариш бўлади-ку. Билади ота-она, лоқайдлик қилади, бепарво бўлади. Уз вактида ўша касофат йўлдан қайтарсалар, фарзандлари бу ахволга тушиб колмасди

Чамаси, дўстим қизишиб кетаётганини сезди, шекилли, бироз тин олди.

Тавба, — деб давом этди у сўзида, — бошқалар сезиб, кўриб турган холатни нечун улар сезмайди, мумкин эмас бундай бўлиши. Кечкурунлари пастаккина курсимни дарвоза тагига қуйиб, ўтган-кетганлар билан салом-алик қилиб ўтираман. Шу десангиз, бир куни биздан икки кўча нарида турадиган биродаримизнинг ўгли ўтиб кетаётиб, сухбатлашиб қолди.

— Амаки, — деди у гап орасида, — биламан сизни, тақводор кишисиз. Динимиз тарихини яхши билсангиз керак, мана бу билан танишиб чиқинг, — деди-да қўлимга икки буклоглиқ қоғоз тутқазди. Кўз ойнагим йўқ эди. Шу боис қоғознинг у ёғ-бу ёғига бир қараган бўлдим-да, уйга отландим. Кечки тамаддидан

сўнг телевизордан «Ахборот»ни курдим. Мамлакатимиз жанубида бўлаёттан нохуш вокеалардан огох бўлдим. Тинчлигимизга рахна солмокчи бўлган газандаларга лаънатлар ўкидим.

Етиш олдидан ҳалиги қоғозга кўз ташладим. Ундаги дастлабки сатрни ўкиганимдаёк сочларим тикка бўлди. Вой нонкўр, вой лаънати, дейман тинмай.



**Г**ўлдиради, нималар дегандек бўлди, лекин тайинлик жавоб булмади.

Пайғамбаримиз мендан кейин халифалик яна ўттиз йил давом этади, шундан сўнг у ту-

масди. Нега шундай, дердим ўзимга ўзим тинмай. Нима, унинг сўзи ўз ўглига ўтмай қолдими, ота сифатида фарзандига таъсири йўколдими? Ўша огу отани боладан айирабошлабди, эй Худо, бу не кўргилик!

Якинда эшитдим, ўша йигит жиноят устида қўлга тушибди. Отаси пешонасига уриб, ох-вох қилаётган эмиш. Оҳ-воҳни бар-

вақтроқ қилиш керак эди. Ке-

йинги пушаймон — ўзингга душ-

ман, деб бекорга айтмаганлар.

Мени яна бир нарса хайрон

колдиради. Кейинги пайтларда

чет эллардаги баъзи «овозлар»,

оммавий ахборот воситалари

гўё Ўзбекистонда диндорларга

нисбатан «тазйиқ ўтказилмокда»

деган бўхтонларни тарқатаётган-

ликлари қулоққа чалиниб қол-

мокда. Бу гаплар бошдан-оёк

уйдирмадир. Шукрларким, мен

қирқ йилдан бери Тошкентнинг

«Илгор» махалласида истикомат

қилиб келмоқдаман. Мусулмон-

лар ўз диний маросимларини

эмин-эркин амалга оширмокда-

лар. Масжидга боргани, намоз

ўқигани, рўза тутгани, хажга

боргани ёки бошка бирор ди-

ний мажбуриятларни бажаргани

учун бирор одамга андак бўлса

хам тўскинлик килинганини бил-

майман. Уша «овоз»ларда хиз-

мат қилаётган касбдошларим,

ишонмасангиз, келинг, кўринг,

одамлар билан сухбатлашинг,

махалладошларимнинг багри

кенг, хушнудлик билан кутиб

оладилар.

маймиз?

Президентимиз Ислом Каримов Иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нуткида таъкидлаб ўтганларидек, «Хақиқий ислом»ни тиклаш, VIII асрлардаги бугун фақат номигина қолган халифаликни ўрнатишга даъво килиб юрган, хакикатда эса мамла-

катимизни ўн-юз йиллар орқага суриб ташлашга олиб келиши мумкин бўлган турли харакат ва марказларнинг кучайиб бораётган интилишлари бизнинг юртимизда охирги йилларда, айниқса, сезилиб колди.

Бу хатарни бизнинг бугунги кунимиз ва эртанги истикболимиз учун нақадар хавфли эканини сезишга, англаб етишга, унга қарши чоралар кўришга хаётнинг ўзи хар бир онгли инсонни даъват этмок-

Хамиша ва хамма ерда огох бўлайлик. Хозирги вазият, хаётнинг ўзи биздан шуни талаб қилмоқда. Тинч ҳаётимизга, кўнгилга туккан улкан ниятларимизнинг амалга оширилишига рахна солмокчи бўлганларга нисбатан бефарк бўлмайлик. Шу Ватан барчамизники, у умумий уйимиз, унинг щаъни-шавкати, обруэътибори учун хаммамиз, айни пайтда хар биримиз масъулмиз. Шу жавобгарлик хиссини унутмайлик. Гоявий кураш авж олиб кетган хозирги паллада хар бир фукаро ўз ўрнига, ўз овозига эга бўлмоги шарт. Зеро, мамлакатимизда рўй бераёттан хар қандай воқеа бевосита ҳар биримизга дахлдордир. Осойишталикни саклаш, хавфсизлигимизни таъминлаш хар биримизнинг фукаролик бурчимиздир

#### мижжа қоқмадим. Эртасига нонуштадан сўнг тўгри ўша хонадонга йўл олдим. Отаси уйда экан. Углининг каерда ишлаётганлигини сўрадим:

Кампирим безовта бўлаётганим-

ни сезди шекилли «тинчликми,

дадаси» дегандек қараб қўйди.

Нафрат ва газабдан туни билан

қипқизил бекорчи экан. Сўнг ётиги билан вокеани тушунтирдим, окибати яхши булмаслигини айтдим. У безовта бўлар, огохлантирганим учун менга рахмат деб, ўглини чақириб, хузуримда танбех берар, деб кутгандим. Қаёқда дейсиз, пинагини хам бузмади. «Бу гапларни ўзига айтинг» дейишдан нарига

Ё алхазар, шу хам отами, дейман ўзимга-ўзим, шайтон: «гунох қилса у қиляпти, жавобини хам ўзи беради, сенга нима?» деди. Рахмон эса: «индамай чикиб кетсанг, чин инсоннинг иши бўлмайди, юз бериши мумкин бўлган касофатнинг олдини олиш учун бор имкониятдан фойдалан», деди. Хуллас, ўша йигитни хузуримга чорладим. Дастлабки берган саволим шундай булди:

Халифаликнинг ўзи нима эканлигини биласанми? Ким берди сенга ўша лаънати қогозни, унда нималар ёзилганлигини ту-

Йигит бакрайиб қолди. Чама-Бепарволик, локайдлик, бола си, у бу сўзларни биринчи бор тарбиясига ахамият бермаслик оқибатидир бу. Бу дард бизга кимдан юкди? Нега хулосалар қилмаймиз? Нега кўзимизни оч-

гатилиб, ўрнига подшоликлар

пайдо бўлади, деганини била-

санми?

эшитаётганди. Саволларимга тайинли жавоб ололмадим. Сўнг унга анча кескин охангда айтдим: бу даъват мутлако амалга ошмайдиган, қуруқ сафсата, бошни тошга уриш каби бесамар иш. Яна огохлантирдимки, у харакат миллатлараро ва диний адоват уругларини сепаётганлигини, конституцион тузумга қарши, Узбекистон деб аталмиш жаннатмакон юртда яшаётган ҳар бир инсонга ҳабиҳ хуруждир, дедим. Кўзингни оч. нонкўрлик килма, бор тегишли жойларга, хали хам кеч эмас, кечирим сўра. Пайғамбаримизнинг муминлар қонини, муминларнинг обрўсини тўкиш мўминлар учун харомдир, деган сўзларидан бехабармисан. Мустақил бўлиб, юртимиз қад тиклаётганда бу бориб турган кўрнамаклик, тузлиққа тупириш..

Уйимга қайтар эканман, бир инсон сифатида қўлимдан келганини қилдим-ку деб, ўзимга, бироз бўлса-да, тасалли бергандай бўлдим. Лекин отасининг бу калтис масалада бефарклиги, локайдлиги менга тинчлик бер-

Исмоил сулаймонов.

# ИДИАМЛАНИАР ПАТ ИДНЕ

Бир гап хадеб қайтарилаверса, аммо натижа булмаса, эшитган кишининг энсаси қотиши, табиий. Энг ёмони, айтилган гаплардан тегишли хулоса чикаришлари, амалий иш қилишлари лозим бўлган кишиларда хам, бошкаларда хам «айтилди-қўйилди-да» ёки «буям бир гап-да» каби кайфият пайдо бўлади. Мана, сизга айтилган гапнинг айтилган жойда қолиб кетишининг касри. Аммо, куни кеча Қашкадарё вилоят хокимлигида кишлок хужалик масалаларига, хусусан, кузги дон экишга тайёргарлик ва унинг бориши, пахта йигим-теримини уюшкоклик билан ўтказишга багишлаб ўтказилган йигилишда энди гап чайналмаслигига, аксинча, айтилган гап айтилган жойда колмаслигига одамларда ишонч пайдо булди. Шу максалда вилоятда

дехконлар Кенгаши тузилди. Унга вилоятдаги энг тажрибали, обрули дехконлар киритилди. Шунингдек, ғалла

шугулланувчи ишчи гурухи хам ташкил этилди. Ахир, Кашкадарёда уруглик дон етиштиришга шароит бўла туриб, биргина шу йилнинг ўзида экиш учун 28 минг тонна ғалла четдан келтирилгани, хатто етиштирилган уруглик хосилни топшириб юборилганига нима дейсиз? Шу пайтгача ернинг картограммаси тузилмаганлигини қандай бахолаш керак? Умуман, ерга муносабат қониқарсиз ахволда. Шунинг учун хам хосилдорлик паст. Харажат кўп, фойда йўқ. Хўжаликлар банкротлик ёкасига бориб қолған. Йиғилишда вилоят хокими Б. Хамидов йўл қуйилган ана шу камчиликларнинг сабабларини чукур тахлил килиб берди. Хар ким ўз ишини килиши лозимлигини уктирди. «Нега шудгор қилинмаган, кесак нима учун майдаланмаган?» деган гаплар бундан кейин ортикчалигини таъкидлади. Пахта йигим-терими хакида гапириб, хосилни қандай йиғиштириб олишни, энг аввало, оилавий пудратчи хал қилиши лозимлигини, мехнатни у

қилиб, қаймоғини ҳашарчи еб кетмаслигини айтди. Кашқадарёда бажарса хам, бажармаса хам, «майли» деб ўз билганини килиб кетавериш одатта айланганини, энди эса бунга йўл қўйилмаслигини, ижро интизомига каттик риоя этилишини талаб қилди.

Назаримда, бу йигилиш аввалги йигилишлардан тубдан фарк килди. Аввало, бир қолипли хисоботларни хижжалаб ўқиб беришга чек қуйилди. Хар ким қисқа, лунда гап, тахлил, мавжуд муiad. Vларнинг ечимин топиш зарурлигини тушуниб етди деб ўйлайман. Албатта буни вакт кўрсатади. Вилоят рахбарияти талабни тўгри күймокда. Вазифалар, уларни бажариш йўллари тўгри белгиланган. Кимки ана шуни тўгри тушуниб, амалий ишга киришса, акли, билими, тажрибаси, уқуви, махоратини ишга солса, хурмат-этибор топади. Аввалгидек, «Болта тушгунча кунда дам олади» деган кайфиятдаги одамларга эса ўрин бўлмаслиги аник Иигилищда бу очик айтилди.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Хамкорлик** ришталари

ВАГОНЛАР ЖАХОН

АНДОЗАЛАРИГА МОС

# ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР...

Бахтиёржон Тошкентга бориб, юридик институтга хужжат топширмокчи эканини, насиб этса халқ осойишталиги, юрт тинчлиги посбони бўлиш нияти борлигини айтганида отаси Баходиржон Хошимовнинг дилидан нималар кечганини ўзию, Оллох билади. Баходиржоннинг ўзи эса аввалига Тошкент автомобил ва йўллари институтида тахсил олиб, вилоят ДАН бўлимида ишлаган, кейинрок Тошкент Давлат университети-

факультети Инсон сиртки булининг юридик

кириб, уни тўксонинчи йили битирганди. Кечаги собик талаба милиция полковниги даражасига кўтарилганидан онаизори бирам қувонган эдики... Бугун эса яккаю ёлгиз ўглидан айрилиб қолди. Алам киладиган ери шундаки, элликка киришига бир неча ой қолганида Избоскан туманининг Пойтуг шахридаги хонадонга суқилиб олган аллақандай жохил ватанфурушлар қўлида қурбон бўлди... Утган куни Тошкент

Давлат юридик институтида Ватан химояси учун жонини фидо этганлар хотирасига багишланган йигилиш бўлиб ўтди Институт ректори, профессор Халимбой Бобоев тадбирни очар экан, Ватан тинчлиги, юрт озодлиги йўлида қурбон бўлганларни халқ хеч қачон унутмаслигини, мазкур йигин ҳам бунинг тасдиги эканини таъкидлади. Шунингдек, собик талаба Баходиржон Хошимов хотирасини абадийлаштириш максадида институт музейида алохида жой ажратиш хамда профессор-ўкитувчиларнинг бир кунлик маошини мархумнинг оиласига моддий ёрдам тариқасида бериш таклифини айтганда ҳамма уни маъкуллади. Узбекистон Республи-

каси Ички ишлар вазирлигининг бошкарма бошлиғи ўринбосари Нуриддин Ражабов, профессор

Шоакбар Шорахметовларнинг Б. Хошимовнинг ўкиш давридаги, иш ўрнидаги фаолияти хакидаги хотиралари йиғилганлар кўз ўнгида мархум полковникнинг хаети, жасоратини бир карра намоён қилгандек бўлди. Институт даргохида узок йиллардан буён меҳнат қилаётган устоз Оху Рахимова ва ўкитувчи Гулчехра Хўжановалар ўз чиқишларида собик талабанинг, шунингдек, яна ўн икки нафар ўглоннинг

эли, юрти тинчлиги учун азиз жонларини қурбон қилганлари бугунги ёшларга

ўрнак экани ва энг мухими хамиша, хар қадамда огохлик, зийраклик хушёрлик талабаларнинг хамрохи бўлиши лозимлигини қайта-қайта уқтирдилар.

Қахрамоннинг ўғли, бу йил талаба бўлиш бахтига эришган Бахтиёржоннинг «Отам ишларини давом эттираман, ўқиб улар сингари эл тинчлигини қўриклайман», дея кўзда ёш билан айтган сўзлари йигилганлар дилида учкун ёкди. Демак, Баходиржон ишларининг давомчиси бор. Демак, от босмаганини той босади, иншооллох.

Кеча якунида Тошкент Давлат юридик институти талабаларининг Ўзбекистон ёшларига Мурожаатномаси қабул қилинди. «Сизу бизнинг хотиржам ва лоқайд бўлишга хаққимиз йўқ», дейилади Мурожаатномада. «Яратган богларимизнинг гуллаши, жаннатмакон ўлкамизнинг янада равнак топиши учун доимо огох ва хушёр бўлмогимиз даркор... Унутмангки, шу Ватан сизнинг Ватанингиз, шу эл сизнинг яратувчингиздир! Ватан химояси энг улуг ибодат эканлиги хар нафас ёдингизда бўлсин!» Зеро, энг улуг ибодат йўлида шахид кетганлар қаторида милиция полковниги Баходиржон Хошимовни хам эли юрагида, юрти ардогида асрайди.

Умида ФАИЗИЕВА «Халқ сўзи» мухбири.

# КИБРАЙЛИКЛАР ЗАФАРИ

Мустакиллигимизнинг 9 йиллиги шодиёналари давом этаётган, байрам нафаси уфуриб турган фатумани мехнаткашлари улкан зафар кучдилар. Улар давлат омборларига 80 минг 50 тонна ўрнига 80 минг 100 тонна мева, 35400 тонна ўрнига 35500

ди.

Бунёдкорлар 18

Курилиш-монтаж

он сўмдан ортик

диган бу қишлоқ

маблаг сарфланди.

километр масофадан

кувур тортиб келишди.

ишлари учун 50 милли-

Ахамиятли томони

тоглар орасидаги 1500

дан ортик ахоли яшай-

«Узбекистон» ширкат

хўжалигидаги газлаш-

тирилмаган сўнгги

ахоли истикоматгохи

«Халқ сўзи» мухбири.

A.CATTOPOB

лари топшириб, шартнома режасини зиёди билан адо этдилар Бу ютукка, айникса, Т. Нурухамедов номли, «Маданият», Р. Мусамухамедов номли, «Ис-

тиклол» ширкат хўжаликлари миришкорлари муносиб хисса кушдилар. Мавжуд 81 та фермер хўжалигида хам мўл хосил етиштирилди.

берди: гектарлар хосилдорлиги 280-300 центнерни ташкил

Давлатга махсулот топши риш давом этмокда. Ният: мехнаткашлар дастурхонига яна 2000 тонна мева, 5000 тонна сабзавот махсулотлари такдим этиш.

Темур АБДУРАХМОНОВ,



«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат темир йўл хиссадорлик компаниясининг хорижликлар билан қилаёттан хамкорликлари яхши самара бермоқда. Ўзаро шартномага қўра Япониянинг «Марубени корпорейшн» компанияси республикамизга халкаро талабларга жавоб бера оладиган 25 та вагон келтириши кузда тутилган эди. Мустакиллик байрами арафасида ана шундай вагонлардан ўнтаси Тошкентга келтирилди. Мазкур вагонларнинг аввалгиларидан фарки шундаки, уларнинг узунлиги 26,5 метр булиб, хар бир вагонда 40 та йўловчи ўрни мавжуд. Шунингдек, вагонларда совутгичлар, хаво тозалагич, поезд рахбарлари ва машинистлар билан бевосита богланадиган ускуналар куйил-

Мазкур вагонлар халкаро йўналишларда туристик саёхатларга чикиш учун мўлжалланмокда Ажаб эмас, якин кунларда «Узбекистон» белгили халкаро талабларга тула жавоб

бера оладиган вагонлар тиркалган поездлар хорижий давлатларга сафар қилса..

СУРАТЛАРДА: янги вагонлар ва вагон ресторанларнинг умумий куриниши. Нўъмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Пойтахтимизда барна кулайликларга эга бўлган «Узкўргазмасавдо» маркази биносининг ишга туширилганлиги тугрисида илгари хабар бергандик.

Кеча ана шу муносабат билан журналистларни ушбу сав до маркази билан таништирув маросими бўлиб ўтди.

Айтиш лозимки, мазкур кўргазма савдо маркази хажмига кура Марказий Осиёда ягона булиб, унинг худуди 5,2 гектар майдонни ташкил этади. Шундан 2,5 минг кв. метри жахон андозаларига тўлик жавоб бе-

радиган ёпик павильонлардан иборатдир. Тошкент шахар хокимлиги, «Карвон бозор» ёпик турдаги аклар дунё бозорларидаги нарх-нациядорлик жамияти, республика волар билан, «Интернет» хабар-Давлат мулк кумитаси ва «Узуллари асосида таништириб боригуржибиржасавдо» муаосислигида лади. Кўргазмага якин хориж давбарпо этилган ушбу савдо марлатларининг ишбилармонлари ва тадбиркорлари хам жалб этилаказида асосан республикамиздаги экспорт имконияти бўлган кор-

лакатимиз экспорт салохиятини хоналаргина иштирок этади. -дейди «Узкургазмасавдо» бош диоширищдан иборатдир. Шу билан бирга, ярмаркада ректори ўринбосари Илхом Шайхиев. — Шунингдек, иштирокчиихтирочиларимиз томонидан яра-

этилиб, уларга хорижлик хамкорлар топиб берищда амалий ёрдам ди. Бундан ягона максад -- мам-

тилган ускуналар хам намойиш

«О.S.М.-Ехро» шўьба корхонаси директори Мукаррам Бахромхужаеванинг таъкидлашина,

бу ерда яна кушимча равишда шоу, дискотека, моделерлар кургазмаси, очик павильонлар да эса ковун сайли, мева-сабзавот кургазмалари ташкил этилади. Янги баргю этилган ресторан, кафе, чойхоналар эса кургазма иштирокчилари хизма-

> тида булади. Б. ОСТОНАКУЛОВ «Халқ сўзи» мухбири

### Оила пудратининг яхши таш-«Халқ сўзи» мухбири. кил этилгани ўз самарасини олис кишлокда ЗАНГОРИ ОЛОВ Дарайтут Нурободнинг энг олис кишлокларидан. Ана шу қишлоқ ахолиси учун истиклолнинг туккиз йиллиги янада кутлуғ келди. Байрам арафа сида хонадонларда табиий газ ёна бошла-

**Ушанда** - Журабой ота углини илк маротаба далага етаклаб келганда у эндигина атак-чечак бўлаётган болакай эди. Онадан эрта етим колганлиги учун хам отаси Юрсинбойни еру кукка ишонмасди. Аклини таний бошлаган сайин уйдагиларнинг хайхайлашига хам кулок солмай, кандайдир сирли, бепоён далалар сари ошикаверарди...



# ОЙДИН ДАЛАМ, ОЛТИН ДАЛАМ

олтиариклик донгдор пахтакор Юрсинбой ЖЎРАЕВ хакида сўз

айланмокда. Юрсинбой аканинг зуваласи ёшликданок халол мехнат, дехкончилик илми билан йўгрилган. Отасининг ёнига кириб, далаларга сув таради, пахтани севиш ва эъзозлашни ўрганди. Бу мўъжиза ўсимлик билан тиллаш гани сайин унга мехри орта борди. Отасининг нима сабабдан бепоён кенгликларга саждагох каби талпинганлигининг маъносига ту-

шина бошлади. Икки-уч йил сувчилик қилгандан сўнг илгор бригада бошлиги Тўтихон опа Кулбекова Юрсинбойга табелчилик вазифасини топширадиган бўлди. Хўжалик мутасаддилари бироз эътироз билдиришди: «Огзида гапи ивиб қоладиган бу йигит табелчиликни қандай эплаши мумкин...». Лекин уни мурғаклигидан биладиган опанинг карори катьий эди. «Огзидан гапи тўкилиб кетса хам ишга махкам. хисобга пухта. Бинойидек эплаб

Хакикатан хам Юрсинбой ўзига билдирилган ишончни оклади. Тўтихон опа нафакага узатилаётганда кўпчилик бир овоздан 25 ёшли йигитни ўзларига саркор қилиб сайлади. Мана, ўша вокеага хам 30 йилдан ошибди. Юрсинбой ака ўттиз йилдан бери ота кадами теккан далаларни каламбақадам кезиб, мехнат қилади, пахта устиради.

Файзиободда Ю.Жўраев етакчилик қиладиган далаларни негадир «Узбек дала» деб аташади. Бундай таъриф качон, ким томонидан берилган — биров дурустрок тушунтириб беролмайди. Лекин «Узбек дала» дейилса, нафакат Олтиарик, балки қушни Водил ва Тошлок тарафларда, Марказий Фаргона кенгликларида хам яхши билишади. Хамкишлокларининг хотирлашича, Юрсинбойнинг отаси хар йили Маргилоннинг Тошкесар гузаридаги темирчиларга алохида кетмон буюртириб келар, бир пуд тупрокни ердан узиб оладиган бу кетмонни кутаришга анча-мунча кишининг юраги дов бермас экан. Албатта, бу муболаға замирида маълум ҳақиқат ётганлигини Юрсинбой аканинг алп коматига, гуё кетмон юзини эслатадиган забардаст кафтларига караб бемалол англаш мумкин.

..Биз пахтакорлар хузурига борган куни Ю.Жўраевни кушни жамоадан табриклагани келиб қолищди. Юрсинбой ака улар келтирган гулдастани қандай ушлашни хам билмайди. Ийманиб факат қуллуқ қилади. Шундагина биз бу қуллар гул тутиш учун эмас, кетмонни даст ушлаб мехнат килиш учун яратилганлигини қалбан хис килдик. Жамоада тартиб-интизом катьий. Хар ким мехнати ва хизматига яраша эъзозланади. Бу ерда бегона одамнинг ўзи йўк. Мавжуд 80 кишининг купчилиги 15-20 йилдан бери Юрсинбой ака билан хамкору хамкадам. Дардиўйини, хасрату кувончини у билан бахам кўради. Синфдош дўсти Алижон ака Ашурматовнинг ёнмаён мехнат қилаётганига роса 40 йил булибди. Урта мактабни битириб, бирга ишга келишган. Шу ерда обру-эътибор топищди, уйлижойли, невара-чеварали булищди.

Юрсинбой аканинг қизиқ бир одати бор. Кишлок кучаларида юр-

Ўша орзулар бугун хакикатга ган бекорчи ўспиринларни кўриб колса, дархол қўлидан ушлаб, даласига олиб келади, мехнатта ўргатади. «Агар шундай килмасанг айрим ёшлар бекорчиликдан турли ножоиз йўлларга кириб кетиши гап эмас. Бу ерда бироз мехнатга

> Узбекистон Қахрамонлари

кўникса- кейин ўз йўлини топаверади». Хақиқатан ҳам шундай. Бугунги кунда Олтиарик, Маргилон, Фаргона шахои корхоналарида мехнат килаётган кўплаб ёшлар дастлабки хаёт сабогини Юрсинбой акадан ўрганишган, десак хато қил-

Мана, иккинчи йилдирки, жамоа аъзолари тўлик ижара асосида мехнат килишаяпти. 58 гектар пахта майдони бешта ижарачига шартнома асосида бўлиб берилган. Ижарачилар бош пудратчи Юрсинбой ака билан шартнома тузишган. Ўз навбатида бош пудратчи билан ширкат хужалиги уртасида ахднома бор. Бошкаришнинг бу янгича усули хаммага маъкул келди. Чунки илгаригидай «козон» битта эмас. Сарф-харажатларни дехконнинг ўзи назорат килиб боради. Сабаби аён: пировард натижа таннархга бориб такалишини ижарачидан тортиб оддий сувчигача яхши билади.

Бу ерда иш юритишнинг яна бир янги усули кулланилаеттанлигининг гувохи бўлдик. Яъни ижарачилар бир-бири билан шартнома режалари қандай бажарилаёттанлиги юзасидан эмас, балки шартномадан ташкари канча махсулот тайёрланганлиги бўйича ўзаро мусобакалашишар экан. Чунки режадаги махсулот давлат буюртмаси. Қолгани эса ижарачиларнинг измидадир. Бу борада жамоада яхши тажриба тупланган. Ракамлар мукояса килинса, эришилган ютуклар якколрок кўзга ташланади. 1997 йилда режадан ташкари 45 фоиз: 98-йилла 50 фоиз, 99-йилда эса 59 фоиз пахта тайёрланди. Хосилдорлик хам шунга яраша: 33 центнердан 54,9

центнерга кутарилди. Пудрат усулининг афзаллиги галлачиликда янада тўларок намоён бўляпти. Агар уч йил аввал 20 гектар майдондан 45 центнердан хосил олинган бўлса, бу йил хосилдорлик накд 60 центнерга етказилди. Шартнома режаси эса 120 фоизга бажарилди. Мехнат самарасидан барча бахраманд. Жумладан, пахтакорларга 21 тонна дон иш хаки сифатида таркатиб берилди. Ижарачи ғаллакорларнинг хар бири эса 2-3 тоннадан бугдой олди.

Биласиз, бизнинг Олтиарикда томоркага алохида эътибор берилади, — дейди Юрсинбой Жураев. — Илгарилари аъзоларимиз аввал томоркасидаги бодринг, турпга ишлов бериб, сўнг далага чикарди. Хозир эса бунинг акси. Аввал даладаги пахтани, ғаллани ўринлатиб куйиб, сунг томоркасига ортинади. Чунки даладан хам томоркадагидан кам даромад куришмаяпти-да. Ўтган йили ишловчилар нинг олди 100 минг сўмдан, олмагани эса 60 минг сўмлан кушимча даромад килди. Жамоамизда хосилни факат биринчи навга сотиш урф бўлган. Бундан наф кўрсак кўраяпмизки, асло зарар кўраёттанимиз йўк,

Юрсинбой аканинг фарзандлари хам унинг изидан боришяпти. Мана ўн йилдирки, ўгли Мехрожиддин Марказий Фаргонанинг Кизилтепа массивидаги пудратчи звено етакчиси. Уни Файзиободда хазил аралаш «чўлибой йигит», деб аташади. Кизлари Умидахон келинлари Сурайё, Наргизалар хам чўлда мехнат килишнинг хадисини олишган. Юрсинбой ака катта невараси Дилшодбекка, айникса, бўлакча мехр қўйган. У далалар хавосидан нафас олиб улгайди. Бугун эса қўли кетмонга келишиб қолган норғул йигит. Юрсинбой ака унинг харакатларини кузатиб касб-кори ишончли кулларда эканлигига, кадрдон даласи

эгасиз колмаслигига имон келти-

...Мустақилликнинг тўққиз йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра бир гурух юртдошларимиз Ватан ва халк олдидаги катта хизматлари учун «Ўзбекистон Кахрамони» фахрий унвони билан такдирланди. Улар орасида Олтиарик туманидаги Б.Отакулов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси Юрсинбой Жўраев хам бор. Хушхабар тарқалған куни кишлокда кушалок байрам булди. Жамоанинг Неъматжон Сузоков бошчилик қилаёттан ижарачилари шартнома режасини бажарищди. 17 гектар майдоннинг хар гектаридан 33 центнердан, жами 57 тонна сара хосил йигиштириб олинди. Хужалик тарихида ижарачи жамоа биринчи бор август ой-

идаёқ режани уддалаб қуйди. — Фидокорона мехнат самарасиз қолмайди, — дейди Неъматжон Сузоков. — Ўттан йили 15 гектар майдондан 2 миллион сўм даромад килган эдик. Бу йил эса даромадни тенг бараварга ошириш ниятидамиз. Ахир, Олтиарикдан чиккан биринчи Кахрамоннинг жамоаси хамма сохада етакчи бўлиши керак-да!

Айни кунларда Юрсинбой Жура-

ев етакчилик килаётган пудратчи лар довоннинг ярмидан ошишди. Бутун харакат белгиланган шартнома режасини шараф билан бажариш, 50 центнерлик маррани тез орада эгаллашга каратилган. Файзиобод кишлогининг одамлари мард, ориятли келади. Уларнинг сўзи билан иши хамиша бир бўлган. Донгдор пахтакор, фидойи инсон Ю.Жўраевнинг ибратли умри ва жушкин фаолияти бунга

жонли мисолдир.

Набижон СОБИР, Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

# МАКТАБЛАР XAMMAMN3HNKN...

унинг муаммоси хам

Вилоятда ёз бўйи Халқ гаълими муассасаларини янги ўкув йилига хамда кузгиқишки мавсумга тайёрлаш бўйича жиддий ишлар қилинди. Ўзига хос ташаббуслар туғилди, уларнинг издошлари кўп бўлди.

Янги ўкув йилига тайёргарлик жараёнида хомий ташкилотларнинг муруввати кувонтиради. Fаллаорол туманидаги газ узатиш, автотранспорт корхоналари, асфальт заводи, Д.Йўлдошев номли, «Музбулок», «Сохибкор», Э.Исмоилов номли хўжаликлар, Бахмалдаги «Кўшчинор», «Сангзор», «Катортол» ширкат хўжаликлари, «Бахмалшароб» ишлаб чикариш корхонаси, йўл таъмирлаш жамоаси, Пахтакор дон қабул қилиш корхонаси, нефт махсулотлари базаси. «Самарканд», «Окбулок» хўжаликлари каби жамоалар халқ таълими сохасига, ўкувчилару ота-оналарга беминнат ёрдам кўрсатдилар.

Дарвоке, бу ишларда вилоятда йилдан-йилга оммалашиб бораётган отаоналар улуши, жамғармалар фаолиятини алохида олкишлаш керак. Бахмал, Ғаллаорол, Дўстлик, Жиззах туманлари ва шахарларда янги ўкув йилига тайёргарлик барвақт нихоясига

Аммо Арнасой туманида

бўлганимизда умуман бошка манзаранинг гувохи бўлдик. Таъмирланиши лозим бўлган 19 та мактабнинг 5 таси янги ўкув йилига тула тайёрланмади. Богчаларнинг деярли хаммаси жорий таъмирга мухтож. Тумандаги «Козогистон», «Фаргона», «Самарканд», «Хоразм» хўжаликларидаги

лари ишламайди. Тўгри, бу муаммоларнинг хаммаси маблаг билан боглик. Лекин соха ходимларининг ички имкониятларидан самарали фойдаланаятти, деб бўлмайди. Акс холда кўмир билан иситиладиган мактаблардаги 7 та печканинг 5 таси халигача таъмирланмаганини, ойналар тўла ўрнатилмаганини нима билан изохлаш мумкин?

мактабларнинг иситиш тармок-

— Совук бошлангунча улгурамиз, — дейди биз билан сухбатда туман халқ таълими бўлими назоратчиси Омонбой Наврўзов. — Унгача хамма пахтада бўлади.

Ана сизга бу ишларга бевосита масъул ходимнинг жавоби!

Буни қарангки, ана шундай ўзибўларчилик, локайдлик туфайли туман мактабларига жамғарилиши керак бўлган 50 тонна кумир халигача келтирил-

Дарвоке, халк таълими муассасаларини кумир билан таъминлаш Фориш туманида

хам ўз холига ташлаб кўйилган. Тумандаги 2-ўрта мактаб 30-йилларда қурилган энг эски илм даргохларидан бири. Мактаб биносини кўп йиллардан бери «Авария холатида» ги бинолар сирасига қўшишади. Бу йил хам мактаб номигагина таъмирланди, холос. Ахоли энг зич жойлашган Осмонсой кишлогидаги ушбу мактаб учун янги бино қурилишини режага киритиш хеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Ишга шундай муносабат оқибатида туман бўйича мактабларни зарур дарсликлар билан таъминлаш энг ёмон ахволда. Капитал таъмирланиши лозим бўлган 3 та мактабнинг биттаси таъмирланиб бўлган, холос. Тумандаги 6 та богчанинг фаолияти тухтаган.

Кайси соханинг рахбари, мутахассиси бўлмасин, у мактабда ўкиган. Унинг фарзандлари мактабда ўкийди. Демак, улар илм даргохининг муаммолари, иссик-совугини билишади. Мактаб ташвишлари уларга бегона эмас. Мактабу богчани оталиққа олиши мумкин бўлган хомий ташкилотлар, тадбиркорлар хар қадамда, орамизда. Факат уларни топа билиш, улар билан ишлай билиш лозим. Кўл остидагиларини тадбиркорликка даъват этилса, ички имкониятлар хам

Халқ таълими тизимини асло эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Зеро Ватанимиз шарафи, миллатимиз гурурини химоя киладиган келажак эгалари, аввало, мактабларда камол топади.

> Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# **BEW KNIPA TUBBUKVUBN**

🐃 НЬЮ-ЙОРКДАГИ МУЛОҚОТЛАР

БМТ Бош кароргохида 155 мамлакатнинг давлат ва хукумат рахбарлари иштирокидаги Мингйиллик саммити ўз ишини давом эттирмокда. Хабарларга қараганда, учрашув сўнгида анжуман қатнашчилари Мингйиллик декларациясини қабул қилиши мулжалланган. Мазкур хужжатда дунё мамлакатлари етакчилари инсониятни уруш-жанжаллар касалликлар ва экологик офатлардан халос этиш үчүн бор күч-гайратини ишга солажаги, инсон хукуклари ва демократия ривожи учун қулдан келган хамма ишни килажаги ифода этилган. Шунингдек, ушбу декларацияда халкаро суд ва бутун башариятни бирлаштирувчи БМТнинг нуфузини мустахкамлаш зарурлиги хам таъкидланади.

## 🕬 ИШЧИЛАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Франция хукумати мамлакат касаба уюшмалари етакчилари билан музокаралардан кейин ёнилгига солинадиган солик микдорини камайтиришга рози бўлди. Душанба кунидан буён бутун мамлакат буйлаб норозилик намойиши булаётган эди. Одамлар нефтни қайта ишлаш корхоналарининг ишига тўскинлик килди, ёнилги омборларига борувчи йўлларни тўсиб қўйди. Бундан кейин хукумат жойларда ёнилги истеъмолини камайтирди. Аммо ишчиларнинг норозилик кайфиятини ўзгартириш учун охироқибат солиқни камайтиришга тўгри келди.

Энди Франция хукумати нефт экспорт килувчи давлатлар (ОПЕК) ташкилотига мурожаат килиб, жахон бозорига чикарилаётган нефт микдорини купайтириш ва шу оркали нархни бироз туширишни каттик талаб килмокчи. Якшанба куни ОПЕКнинг махсус йигилиши ўтказилиши керак.



## ANPEKTOP XNGCTA OANHAI

Сўнгги пайтларда Перуда гайриконуний равишдаги куролярог савдоси билан боглиқ гап-сузлар купаймоқда. Шунингдек "Ниппон корпорасьон" фирмаси мамлакат харбий бўлинмалари ва разведка хизмати билан алоқа ўрнатгани тўгрисида хам мишмишлар тарқалятти. Яқинда мамлакат хавфсизлик хизмати вакиллари қурол-яроғ савдоси билан шуғулланадиган халқаро ташкилотнинг уч нафар аъзосини хибсга олгач, хакикатан жиноятчилар айрим ҳарбийлар билан тил бириктиргани ошкор бўлди Хибсга олинганлардан бири Луис Франк Айбар Канчо Перу фукароси бўлиб, мазкур фирманинг бош директоридир. Маълум бўлишича, у давлатга тегишли қуролларни ғайриқонуний равишда Колумбиядаги исёнчиларга етказиб беришга бошчилик кил-

# ЭНГ МАЪКУЛИ — МУЗОКАРА ЙЎЛИ

Кеча Колумбия президенти Андрес Пастрана исёнчилар билан музокара ижобий натижа беришига ишонч билдирди. Унинг фикрича, куролли зиддиятлар, кон тўкиш ва зўравонликларга чек қуйишнинг бирдан-бир йули музокарадир.

2002 йилнинг ёзида А.Пастрананинг президентлик ваколати тугайди. У ўша вактгача хукумат исёнчилар билан тинчлик битими тузиш ва мамлакатда баркарорлик ўрнатишга эриша олиши-

## **МАЛАВИЛИКЛАР САЙЛОВНИ КУТИШМОКДА**

Малави давлати тарихидаги куп партиявийликка асосланган махаллий хокимият органларига илк сайлов шу йилнинг 21 ноябрида ўтказилади. Мамлакат рахбарияти буни расман эълон

1995 йилда зўравон Камуза Банда хукумати агдариб ташлан ган бўлишига қарамай, Малавида демократик сайлов ўтказиш муддати орқага суриб келинаётган эди. Махаллий хокимият органларига ўтказилажак сайлов мамлакатда демократик ўзгаришлар руй бера бошлаганидан дарак беради, демокда куза-

## ЯНА БИР ТЎКНАШУВ

Сомалидаги икки элат куролли гурухлари ўртасидаги тўкнашувда камида 25 киши ўлди ва ўнлаб одам яраланди. Хозирча галжел ва хавадлех элатлари ўртасидаги мазкур можаро сабаблари номаълум. Ушбу тўкнашув Сомалида вактинчалик президент ва ўтиш даври парламенти тўгрисида келишувга эришилганидан сўнг бир неча кун ўтгач рўй берди. Бу ходиса мамлакатнинг марказий хукуматини тан олмайдиган кучлар хали мавжудлигидан дарак беради.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

## Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Сиз азизларни 2000 йил 21 сентябр, 5 октябр кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

# САВДОЛАРТА ҚУЙНДАГИ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИ ҚЎЙНЛАДИ:

Тошкент вилояти, Янгийўл шахри, «Ковунчи-тепа» кўчаси, 8-уйда жойлашган «Нормаль» МЧЖ нинг 100 ўринли ошхона биноси. Майдони 735 м<sup>2</sup>.

Бошланғич бахоси 5275,4 минг сум.


Мазкур объектга қизиқиши бор ишбилармон юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шахри, «Бухоро» кўчаси, 10. Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 10-хона. Республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75 Факс: 136-06-17.

Республикамиз жа-

нубида бўлаётган во-

кеалардан оммавий



RC Systems Koros

INTIMUS қоғозни

йўқ қилувчи

DUPLO KOFO3

кўтариб олувчи

брошюралаш

**NOVUS, RAPID** 

степлерлари

ускуналари

жихозлар

ускуналар

DUPLO

киркиш жихозлари

ахборот воситалари оркали хабардормиз. Ватанимиз сархадларига сукилиб кирмокчи бўлган халкаро террорчиларнинг ит ўлимини топгани уларнинг килгилигига яраша жазо бўлди.

Хўш, мамлакатимиз келажа ги бўлган ёшлар, мактаб ўкувчилари бу ходисаларни кандай идрок этишаяпти? Эртага қоқилмаслик учун ўзларига етарли хулоса чикаришяптими? Пойтахтимиздаги 26-мактабда бўлиб ўтган «Хеч кимга бермаймиз сени, Узбекистон!» мавзуидаги давра сухбатида, аввало, ана шу саволларга жавоб изланди.

Мени кувонтиргани шу бўлдики, ўз фикрларини баён қилган ёшлар сузида террорчиларга нисбатан чексиз нафрат мужассам эди. Бу нафрат бутун Узбекистон ёшларининг калб нидоси янглиг янгради, назаримда.

— Ёшларнинг ватанпарварлик туйгуларини кучайтириш, хукукий билимларини кенгайтириш мақсадида «Мустақиллик — хукук демак» мавзуида хам учрашувлар ташкил этаяпмиз, - дейди мактаб рахбари Рохатой Анназарова. — Бу борада махалла кумитаси, прокуратура хамда ички ишлар булими ходимлари якиндан

ердам беришаётир А. ОРИПОВ. Яккасарой тумани.

2000 йилга аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралған қолдағи (кундузги)

аспирантурага куйидаги мутахассисликлар буйичаз

12.00.01. — Давлат ва хукук назарияси ва тарихи; сиёсий ва хукукий таълимотлар тарихи; - 2 ўрин.

12.00.02. -Давлат хукуки ва бошкаруви; маъмурий хукук;

молиявий хукук; - 2 ўрин. 12.00.03. -Фуқаролик хуқуқи; оила хуқуқи; фуқаролик жараёни;

халқаро хусусий хуқуқ; — 2 ўрин. 12.00.06. -Кишлоқ хужалик хукуки; ер, сув, ўрмон ва қон хукуки;

экологик хукук; - 2 ўрин. 12.00.08. -

Жиноят ва жазо хукуки; криминология; ахлок тузатиш-мехнат хукуки; - 2 ўрин. 12.00.09. -

Жиноят жараёни, криминалистика ва тезкор-кидирув хукуки; суд экспертизаси; - 2 ўрин.

## Докторантурага куйидаги мутахассисликлар буйичая

12.00.01. — Давлат ва хукук назарияси ва тарихи;

сиёсий ва хукукий таълимотлар тарихи; - 1 ўрин. Фукаролик хукуки; оила хукуки; фукаролик жараёни; халқаро хусусий хуқуқ; — 1 ўрин.

Хужжатлар 2000 йил 25 сентябрдан 2000 йил 25 октябргача қабул қилинади. Хужжат топширувчилар танланган мутахассисликлари бўйича

20 бетдан кам булмаган хажмда реферат топширишлари лозим. Кириш имтихонлари танланган мутахассисликлари, Узбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари (инглиз, немис ёки француз)дан бўлади.

Маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат килишингиз мумкина Тошкент шахри, Сайилгох кўчаси, 35, илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими.

Телефонлар: 133-45-69, 132-06-02.


**KONICA** Hycxa кўчириш техникаси

RISO кичик босмахоналар

AO UTAX хажмидаги нусха кўчириш техникаси

REXEL

ламинаторлари





ОРЗУЛАР «ТУРОН»ДА РУЁБГА ЧИҚАДИ!

**Манзил: Тошкент ш., Х. Олимжон майдони, 1Б. Тел/факс (998-71) 137-47-00.** 

сияга берди?

масини кўпайтириши мумкин. нинг юзи шувит, унинг мангла-

Кўпчилик шунақа қилади. Мен уларни сотиб бўлгач, қолган

200 минг сўмни беришим керак

эди. Тирикчилик қиламан, деган-

Бугунги кунда Акбар Хожиев-

йига судланган деган та-

мға босилди. Начора, ким

Аммо масаланинг бошка

томони хам бизни кўп

ўйлантиради: халқ таъби-

ри билан айтганда, Акбар

Хожиевнинг бир этак боласи бор. Ёши 43 да.

бировдан олдин, бировдан кей-

ин деганларидек, эл қатори умр-

гузаронлик қилиб келаётганди.

Аввало халоллиги, мехнаткашли-

ги, қолаверса, танлаган касби ор-

қали ҳавас қилса арзигулик

обрў-эътибор орттирганди

Мўмай пулга ошуфталик хисси

унинг қалбига қачон ин қурди —

номаълум. Аммо нима бўлганда

хам йиллар давомида битталаб

орттирган ўша обрў-эътиборини

рулини бошқариб, ишдан кейин

уйига шошилар, ўзини интизор-

лик билан кутаётган фарзандла-

рини бирма-бир багрига босга-

нида, бутун чарчоқлари унут

бўлиб кетарди. Энди эса ҳаёт-

нинг ана шу лаззатларидан бу-

тунлай мосуво бўлган. Булутли

осмондек тунд қалбини аламми,

афсусми, изтиробми — нимадир

ИИВ ДАН Бош бошкармасининг

катта инспектори, милиция

Рахмонали КОСИМОВ,

майори.

аёвсиз эзгилайди.

Кечагина у кун бўйи машина

бир кундаёқ йўққа чиқарди.

Шу пайтгача у ҳайдовчилик касбини ардоклаб,

нима экса, шуни ўради.

«Юнусобод» спорт мажмуида теннис бўйича Президент кубоги VII халқаро турнирига старт берилади

Унда Евгений Кафельников, Карлос Моя, Седрик Пиолин сингари дунё теннис таснифининг кучли ўнлигидан ўрин олган катта ракетка усталари билан бирга Марат Сафин, Олег Огородов, Вадим Куценко каби ёш юлдузлар хам кортга чикишади.

Эсингизда хамюртимиз О. Огородов ўтган йилги турнирнинг жуфтлик бахсларида швейцариялик Марк Рос се билан биргаликда биринчи ўринни кўлга киритган эди. Олег бу гал хам мухлисларни ранжитмаслик учун мусобакаларга жилдий тайёргарлик кўрди.

Шунингдек, теннис иш-кибозлари «Юнусобод» кортларида аргентиналик

**И**нсон яралибдики, унинг шуурида эзгулик ва қал-

лоблик, диёнат ва хиёнат, сабр-

токат ва нафс ўртасидаги кураш

муттасил давом этиб келади.

Агар инсоннинг иймони бутун,

тафаккури уйгоқ бўлса — хўп-хўп,

ўзга нарса орттиролмай-

Бешарик тумани ички

ишлар бўлими Давлат ав-

томобил назорати бўлин-

маси йўл-патрул хизмати

инспектори, милиция

старшинаси Ботирали

Хайитов Бешарик-Кукон

автомобил йўлида, аник-

роги Намуна кишлоги

худудида йўл харакати хавфсиз-

лигини таъминлаш билан банд

эди. Ногахон, Бешарик томондан

елиб келаётган «Нексия» русум-

ли автомашина унинг эътибори-

ни тортди. Хайдовчи инспектор-

ни кўрдию рулни чап томонга --

айланма йўлга буриб юборди.

Ботиралининг шубҳаси кучайди,

темир йўл кесишмасидан ўтар-

ўтмас бояги «Нексия» автомаши-

Айби борнинг оёги қалтирай-

ди, деб бежиз айтишмаган. Ав-

томашина салонига жойланган

тўртта сумка тиббиёт дори-дар-

монлари билан лиқ тўла эди.

Хайратланарли томони шундаки,

на хайдовчи, на эгаси бу дори-

дармонларнинг хужжатини так-

Айрим мулохазаларга бориб,

мазкур ишда иштирок этган

шахсларнинг ҳақиқий исм-шари-

фини сир тутамиз, шартли ра-

вишда гумондорни Акбар Хожи-

ев, хайдовчини эса Ганижон Ра-

насига етиб олди.

дим этишолмади

химов деб атаймиз.

ди.



дик. Аммо Намуна кишлогида

.... Юртимизда тадбиркорли-

биркорликнинг у ёки бу сохаси дим..

**XUEHAT BA** 

НАДОМАТ

гу тижоратчиликка кенг йўл

очилган. Имкони бор одам тад-

билан шуғулланиши, ўз жамғар-

Атиги битта талаб қўйилади: бу

харакатлар қонун доирасида ва

халкимизнинг турмуш фаровон-

лигини оширишга қаратилган

Акбар Хожиев эса ана шу ме-

зонларни унутиб қўйди. Гойиб-

дан келажак мўмай даромад

кўзларини камаштирди. Мабодо

Давлат автомобил назорати хо-

димлари хушёрлик қилиб уни

тўхтатишмаганида, бояги дори-

дармонлар Қўқон бозоридан ис-

теъмолга чикиб кетиши ва кўплаб

юртдошларимиз жабр кўриши

Хўш, Акбар Хожиев бу хатти-

харакатлари юртдошларимизга

нисбатан хиёнат эканлигини бил-

Келинг, нима булганини унинг

- 150 минг сўм пул билан Ўра-

тепага бордим. Ўша ердан 350

минг сўмлик дори-дармонларни

сотиб олдим. Сотган одамни

қилиб у сизга шунча молни на-

- Танимасангиз, кандай

билмайман, танимайман.

бўлмоги лозим.

хеч гапмасди.

масмиди?

ўзидан эшитайлик.

қўлга тушдик.

аникланишича, Акбар Хожиев

қушни Тожикистон Республикаси-

нинг Ўратепа шахрига борган,

бозордан-тергов давомида

аниклаш имконияти бўлмаган

шахслардан 240 қути «Папаве-

рин», 195 кути «Глюкоза», 1минг

«Анаприлин»—хаммаси бўлиб 579

минг 600 сўмлик тиббиёт дори-

дармонларини сотиб олган. Ана

шу дори-дармонларнинг бир

қисмининг амал қилиш муддати

ўтиб кетганлигини эътиборга

оладиган бўлсак, Акбар Хожиев

нақадар қалтис ишга қул урган-

Шундан кейин у харидини қан-

дай йўл билан бўлсада, ўзи яшаб

турган Қуқон шахрига олиб ке-

лишни режалаштирди. Бу ишни

маълум маънода амаллади хам.

Божхона назоратидан яшириниб,

айланма йўллар орқали Андар-

ноан Андархон қишлоғига кел-

дим,-дейди хайдовчи Ганижон

Рахимов. — У акамнинг эски

ўртоғи. Шунинг учун кира ҳақига

фалон пул берасиз, демадим.

Берганини олиб қўявераман, деб

ўйладим. Етиб келгач, мен ма-

шинадан тушмай ўтирдим. Ора-

дан кўп ўтмай Акбар ака катта-

катта сумкаларни олиб келди.

Акбар аканинг таклифига би-

хон кишлогига ўтиб олди.

лигини тасаввур этиш мумкин.

акс холда таънаю маломатдан 53 кути «Новокаин» ва 210 та

Беш кунлик баракали мехнатдан кейин кимнинг ҳам мириқиб дам олгиси келмайди, дейсиз. Кимдир уйда, оила даврасида, кимдир театр, кинога боради, яна кимдир ота-она зиёратига шошилади. Майли, хамманинг инон-ихтиёри ўзида, қандай дам олиб, хордик чикариш ўзига боглик. Лекин эртага, 10 сентябр куни Сиз бир журналистнинг сўзига кириб, «Боги Эрам» - жаннатмакон гўшага, албатта, мархамат қилинг. Нега дейсизми? Яхшиси, бу саволга «Боги Эрам» оромгохи рахбари Содик ака Собиров жавоб бера колсинлар.

- Аслида богимизда кўпрок турли касб эгаларининг касб байрамлари тез-тез нишонланиб турилади. Якинда мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан оромгохда республика микёсида катта аския кечасини ўтказган эдик. Бу сафарги тадбиримиз таникли шоир ва драматург Хайдар Мухаммад билан ижодий учрашув. Бу шундай учрашувки, кайсики томошабин адиб асарларидан парча ижро этса, шеърларидан ўқиб борса, ижоди хақида озми-кўпми билганини гапирса, мукофотга сазовор бўлади. Адиб билан суратга ҳам тушади. Қолаверса, ижодкорнинг шоира қизию, келинларининг ўзлари ёзган шеърларидан бахраманд бўласиз... Биз бунга қушимча қилиб шуни ай-

тамиз. Учрашув окшомида ёш кўшикчилар ижросида Хайдар Мухаммад кўшиклари янграйди. Сахналаштирилган комедиялардан парчалар ижро этилади. Энг қизиғи, севимли «Табассум» ижодкорлари адиб хажвиялари, ичакузди хангомаларидан айтиб,сизларни хам дилдан, мирикиб кулишингизга ёрдамлашишади. Эх-ха энг мухими ёддан чикибди. Учрашув окшомига кириш бепул, у кеч соат 18.00 да Ўзбекистон халқ артисти Тўлқин Тожиев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашеваларнинг хушовоз, хуштавозе билан «Ассалому алайкум, хуш келибсизлар, азизлар», деган каломлари билан бошланади.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

TOWKERT AABAAT WARKWYHOGANK

TED.8 183-80-39.

TOWKENT AABAAT WAPKWYHOGANK NHGTNOYTH XVEYPNAAIN

DRUTHUU MAPKAEH

араб, турк, форс, хинд, урду, япон, корейс, инглиз, немис, француз, ўзбек тиллари бўйича касб берувчі 2 йиллик таржимонлик ва бир

Reduction services

# HECTHTYTH XYSYPHAACH

MUNITAKA TUA YKUTUUU MAPKASU

олий ўкув ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБҰЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

**Меняинога должени пр** Лохулий цухоси, 25, 8-цовог, 802-хоно.

MUCOTAKA TUA

йиллик курсларини

ТАШКИЛ КИЛАДИ

Укиш муддати танланган тил хусусиятларига боглик холда 3,6,10,20 ой ўкиш учун хак тўлаш накд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

TERRUMAN RYBOXIDOMA CEPHAAON.

Манзилгох: Тошкент ш, Лохутий кучаси, 25, 8 қават, 802 хона. TED.8 133-30-39.

# УРГУТДА АНЪАНА БУЗИЛМАЙДИ

Суриштирувлар давомида Салонга ортиб, ортимизга қайт-

Утган йили ургутликлар мустакилликнинг 8 йиллигига - 8 мактаб шиори билан чикишиб, улуғ байрам арафасида ваъдалари устидан чикишганди. Шу билан бирга туман худудида 67 километрлик газ тармоги 22 километрлик

сув кувурини хам фой-даланишта топширган эдилар. Туманда бу йил хам азалий анъаналарга содик колинди. Истиклолнинг 9 йиллиги арафасида Ургут шахридаги маданият ва истирохат боғи тўла қайта таъмирланиб фойдала-

нишга топширилди. Туман марказида барэтилган миллий хунармандчилик ва курилиш коллежининг янги биноси эса килинган ишларнинг энг мухими бўлди. Уч каватли замонавий бинода биратўла 825 талаба касб-

хунар эгаллайди. Махаллаларда газ тармоги курилиши, «Бахрин» ширкат-хужалигида янги мактаб биносининг ишга туширилиши, Ургутдаги театр биносининг кайта таъмирланиши ана шу бунёдкорлик ишларининг бевосита давоми-

A. CATTOPOB, «Халқ сўзи» мухбири.

"«ТЕЗИНТОМ»"ЎЗБЕК-ГЕРМАН;ҚУШМА;КОРХОНАСИ;МАРКАЗИЙ,ОСИЁДА;ЯГОНА;ИШЛАБ,ЧИҚАРУВНИ;ХИСОБЛАНАДИ. ИЕТАЛЛ-Энг яхши Томёпкич материали 💸 жахон ЧЕРЕПИЦАЛАР стандартларига афзаллиги: **Ж**QBOD беради. турли хил комплектлари етказиб берилади ХОЗИР БУ МУЪЖИЗА МАТЕРИАЛ УЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИКАРИЛМОКДА Листнинг кенглиги 1.035 M Хар хил об хаво шаронтига юксак даражада чидамии **Узунлиги** 0.95 Ms gan 10 mirana Гашқи куриницін фусункор, осон ингилади, ранглар жилоси табина 1 KB.M. материалнинг Огирлиги 465 PCEN TOMHH Ишлаб чикариш учун зарур хомашёны корижий фирмалар етказиб беради. СИЗНИНГ УЙИНГИЗ ХАМИША мунакин. Амалда умрбокий Биз сиз билан **HAMINGONIMIS** ROMENTAL PROPERTY 162-42-74, 162-78-59, 162-96-31 MENNHYPHANS! факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz ДИҚҚАТ! ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!!!

«ТЕЗИНТОМ» КУШМА КОРХОНАСИ ОГОХЛАНТИРАДИ: ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДА ТАШКИ КЎРИНИШИДАН

БИЗНИНГ МАХСУЛОТГА ЎХШАБ КЕТАДИГАН «ТОМЁПКИЧ МАТЕРИАЛЛАРИ» ПАЙДО БЎЛДИ.

БИРОК БУНДАЙ «МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАР» СИФАТ ЖИХАТИДАН «ТЕЗИНТОМ» НИНГ ХАКИКИЙ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАРИГА МУТЛАКО ДОШ БЕРА ОЛМАЙДИ. БУ «КЎЛБОЛА» МАТЕРИАЛНИ ХАРИД КИЛАРКАНСИЗ, БИР НЕЧА ОЙДАН КЕЙИН УЙИНГИЗ ТОМИНИ КАЙТАДАН ЁПИШГА МАЖБУР БЎЛАСИЗ. ФАКАТ «ТЕЗИНТОМ» НИНГ

МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАРИГИНА СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛИБ, УЛАР ЎХШАШИ ЙЎК, ЭНГ ЯХШИ ЖАХОН СТАНДАРТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИГАН, ХАКИКИЙ УМРБОКИЙ ТОМЁПКИЧ МАТЕРИАЛЛАРИ ХИСОБЛАНАДИ!



Узбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Аҳмаджон Икромовга отаси Собир

**ИКРОМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.

Узбекистон Давлат жахон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари иктисодиёт ва тадбиркорлик буйича ректор муовини, университет қошидаги академик лицей директори, доцент Жуманазар Хасановга волидаи мухтарамаси

Онабиби **ХАСАНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор килади.

ВА БОГЧАЛАР УЧУН. НИХРОМ СИМЛАРИНИ СОТИБ ОЛАМИЗ. ВЕНТИЛЯТОРЛАР ВН-1,ВН-2 ТЕЛ.(3712) 793854,792523,791570,791429.

Тошкент Давлат иктисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари, «Макроиктисод ва социал сохани ривожлантириш» кафедраси катта ўкитувчиси Хабиба Абдусатторовага отаси

Мурот ПУЛАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этадилар.

Тошкент архитектура қурилиш институти ректорати ва жамоаси институтнинг ўкув ишпари буйича проректори Х. Акрамовга воли-

ЗУМРАД аянинг вафот этганлиги муносабати билан чукур гаъзия изхор этади.

Тошкент фармацевтика институти рахбаоияти ва жамоаси институтнинг «Биокиме» сафедраси мудири, профессор Олим Обидов-

НАСИМА аянин вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар Маркази Сурхондарё вило ят академик лицейлар курилиши дирекцияси директори Собир Холимкуловга укаси Комил ХОЛИМКУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия из

Мирзо Улугбек тумани Давлат солик инс векцияси жамоаси бош давлат солик инспекто

Еркин МАДАЛИЕВиниг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор қилади.

Узбекистон Қишлоқ хужалик илмий ишла чиқариш маркази Бозор ислохотлари илмий та ақиқот институти жамоаси институтнинг сектор мудири, иктисод фанлари номзоди, катта илмий ходим Босит Акрамовга волидаи муҳта-

Зумрадхон ая ОРТИКОВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия из

# «ХААҚ СЎЗН» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаци ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

Бош мухаррир: Аббосхон **УСМОНОВ** 

Тахрир хайъати:

э. БОЛИЕВ (масъул котиб -«Халқ сўзи»), м. егоров

(масъул котиб «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),

с. зинин, м. миралимов, с. мухиддинов,

Ш. РИЗАЕВ, м. сафаров.

Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ,

и. шогуломов,

О. КАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари - «Народное слово»),

ў. хошимов.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий хаёт

133-57-34; Хуқуқ 136-07-94;

Иктисодиёт 136-36-65;

132-10-65 аврифат 136-35-60;

Хатлар 136-29-89,

133-07-48; Фан, соғликни сақлаш ва ижтимони масалалар — 132-12-08;

Ахборот, спорт ва харбий ватанпарварлик -133-78-92;

Халқаро ҳаёт 132-11-15;

Котибият

133-10-28; Эълонлар

136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби Nº 00001

Буюртма  $\Gamma - 716$ , 18918 нусхада босилди, хажми — 2 табок. Офсет усулида босилган.

Когоз бичими А-2 

Газета PENTIUM-II мих компьютерида терилди хамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОГАЕВ гомонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб -А. ОРИПОВ. Навбатчи мухаррир М. САФАРОВ. Навбатчи Б. ОСТОНАКУЛОВ. Мусаххих Ш. МАШРАББОЕВ.

> • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-

матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вакти — 21.00

топширилди — 23.20